

АНГЛИЯ ВА АҚШДА СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН КОНТРОЛЬ ВА НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАЖРИБАСИ

Миразов Даврон Мирагзамович,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Дастилабқи
тергов ва криминалистика кафедраси бошлиғи, юридик
фанлар доктори, доцент

davr_mir@inbox.uz

ID orcid.org/0000-0002-1044-0443

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2017-6-6-3>

Мақолада судга қадар жиноят ишлари юритуви фаолияти устидан назорат юзасидан англо-саксон ҳуқуқ тизимига оид хорижий давлатлар (Англия ва АҚШ мисолида) тажрибаси таҳлили натижалари акс этган.

Калит сўзлар: контроль ва назорат, контроль ва назорат олиб бориш юзасидан Англия ва АҚШ тажрибаси

ПРАКТИКА ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ КОНТРОЛЯ И НАДЗОРА ЗА ОРГАНАМИ ДОСУДЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В АНГЛИИ И США

В статье отражены результаты изучения опыта зарубежных стран с англо-саксонской системой права (на примере Англии и США) по осуществлению контроля и надзора за досудебной деятельностью по уголовным делам

Ключевые слова: контроль и надзор, опыт Англии и опыт США по осуществлению контроля и надзора

PRACTICES OF IMPLEMENTATION OF CONTROL AND OVERSIGHT OF ORGANS OF PERFECT ACTIVITY IN ENGLAND AND THE USA

In the article realized theoretical-rightful analysis changes and additions carrying in the norms Criminal procedural code in the Republic of Uzbekistan regulations before in the judicial stages as well let motions for further perfections criminal procedural legislations.

Keywords: control and supervision, the experience of England and the experience of the United States in exercising control and supervision

Бугунги кунда хориж давлатларининг ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш ва ҳаётга жорий этиш бўйича илғор тажрибасини ўрганиш натижасида ушбу мамлакатларнинг судга қадар иш юритувини ислоҳ қилишнинг асослари, тартиби ва хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда улар томонидан ўтказилган ислоҳотларнинг ижобий жиҳатларини мамлакатимизда жинойт ишлари бўйича дастлабки тергов органларининг фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришда фойдаланилиши мумкин. Хориж мамлакатларида жинойт ишлари бўйича иш юритув тизими ўз навбатида дунё мамлакатларининг давлатчилик-ҳуқуқий тизими билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли барча давлатларда ҳам дастлабки тергов босқичи, дастлабки тергов органлари алоҳида ажратилмаган. Шу билан бирга баъзи мамлакатларда судга қадар иш юритув, баъзиларида полиция суриштируви, бошқаларида дастлабки тергов ва бошқа бир қатор номланишини учратиш мумкин.

Ҳозирги замон хориж мамлакатларининг жинойт ишлар бўйича иш юритувининг кенг тарқалгани тизими

инглиз-саксон ҳуқуқ тизими бўлиб, унга бир қатор давлатлар – Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу тизимнинг шаклланишида Англиянинг ўзига хос ўрни мавжуд. Зеро инглиз-саксон ҳуқуқ тизимининг негизини иккита ҳуқуқ соҳаси – умумий ҳуқуқ ва адолат ҳуқуқи ташкил этади. Умумий ҳуқуқ Вестминстер судьялари томонидан шакллантирилган бўлса, адолат суди эса канцлер судининг ҳукмлари асосида шакллантирилган¹. Айнан шунинг учун ҳам инглиз-саксон ҳуқуқ тизимига баъзан прецедент ҳуқуқи деб баҳо берилади. Ушбу ҳуқуқ тизимида жиноят-процессуал ҳуқуқнинг асосий манбаси бўлиб суд преценти хизмат қилади. Прецедент - лотинча *praecedens* аввалгиси, олдингиси маъносини англатади ва суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори, келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна, эталон, норма сифатида қабул қилинса, у прецедент бўлади². Юридик энциклопедияда эса “Прецедент ҳуқуқи – суд прецедентига асосланган давлатларда ҳуқуқ манбаи сифатида қўлланилади. Яъни маълум бир иш бўйича чиқарилган қарорни айнан шу каби ишларни кўришда бошқа инстанция судлари томонидан мажбурий тарзда бир хил қарор чиқарилиб, ҳал этишга асосланган ҳуқуқ тизими”³ деб тушунча берилган.

Бугунги кунда Англиянинг жиноят процесси тортишувчанликка асосланганлиги, унинг негизида хусусий даъво институти ётиши, унда жиноят ишини моҳияти бўйича кўриб чиқиш айнан судда амалга оширилиши умумэтироф этилган. Замонавий Англия

¹ Давид Р., Жоффе-Спинози К. Основные правовые системы современности / Пер. с французского В.А.Туманова. – М., 1997. – С.11-13.

² Марченко М. Н. Правовые системы современного мира: Учеб. пособие. - М., 2001. - С. 152.

³ Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – 656 б.

жиноят процессида амал қилаётган умумфуқаровий айбланиш концепциясига мувофиқ, жиноий таъқиб қилиш ҳуқуқи ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга берилган бўлиб, шунингдек қонунга кўра жиноятни очиш ва айбдорни фош қилиш ҳуқуқига эга бошқа шахслар дастлабки терговни ё шахсан, ёхуд хусусий детективни чақириш ёки тегишли давлат органларига мурожаат қилиш орқали амалга ошириши мумкин. Жиноий таъқиб қилиш давлат номидан ёки хусусий шахс давлат органига мурожаат қилганда амалга оширилган ҳолларда, дастлабки тергов полициянинг мансабдор шахслари, “Ошкора таъқиб қилиш директори” департаменти ходимлари, Бош атторней раҳбарлик қиладиган Давлат айблов хизмати томонидан ўтказилади.

Жиноят ишлари бўйича айбловни ва ҳимояни амалга ошириш барристерлар (инглизча “*barrister*” ҳимоячи, ҳимояни амалга оширувчи шахс сўзидан) ва солистерлар (инглизча “*solicitor*” ҳимоячининг ёрдамчиси, ҳимоячига хужжатларни тайёрлаб берадиган шахс сўзидан) амалга оширишлари белгиланган бўлса, бирга оғир ва ўта оғир ишлар бўйича айбловни “оммавий айбловлар директори” амалга оширади¹. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда кўпчилик муаллифлар ва тадқиқотчилар Англияда судга қадар иш юритиши мавжуд эмас деган хулосага келадилар.

Англияда судга қадар иш юритиш асосан полиция органлари томонидан амалга оширилади. Инглиз полиция тизимининг ўзига хослиги шундан иборатки, констебль ва ундан юқори даражага эга бўлган полиция ходимларига жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритишни амалга ошириш ваколатлари берилган. Қайд этиш жоизки, Скотланд Ярд номи билан машҳур бўлган

¹ Апарова Т.В. Суды и судебный процесс в Великобритании. Англия, Уэльс, Шотландия. – М., 1996. – С. 71-73.

пойтахт полиция хизмати (Metropolitan Police Service) таркибида жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси фаолият юритиб, у оғир турдаги жиноятлар ва уюшган жиноятчиликка қарши курашни амалга ва уларни суриштирувини амалга оширади¹. Шу билан бирга бизнинг тушунишимиздаги терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов каби босқичлар ва уларни амалга оширувчи алоҳида орган ёки мансабдор шахслар мавжуд эмас. Полициянинг детективлари ва инспекторлари томонидан амалга ошириладиган судга қадар иш юритув жиноят юзасидан жиноятнинг изларини аниқлаш, тўшлаш ва судга тақдим этишдан иборат². Бизнинг тушунчамизда бу – тезкор-қидирув фаолияти билан тенглаштирилиши мумкин. Қизиқарли жиҳати шундан иборатки ТҚФ натижалари бўйича олинган маълумотларни ошкор қилмаслик зарур бўлган ҳолларда суд детективни ёки инспекторни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиши мумкин.

Англия полицияси аксарият жиноятлар бўйича судга қадар иш юритувни амалга оширади ва унинг ваколоти “Полиция ва жиноят ишлари бўйича далиллар тўғрисида”ги 1984 йилги қонун билан анча кенгайтирилган. Масалан, полицияга кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда суд ордерисиз қамоққа олишни амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритганди. Айб қўйиш тўғрисидаги полиция органларининг қарорини фақат “Ошкора таъқиб қилиш директори ёки Бош атторней бекор қилиши мумкин.”³

Давлат хавфсизлиги манфаатларига дахлдор ўта хавфли жиноятлар бўйича тергов ишларини

¹ Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А. С., Асямов С. В., Таджикиев А. А., Миразов Д. М. - Т., 2010. – С.171-177.

² Dupont L. , Fijnaut C. (eds) Criminal Law. International Encyclopedia of Law. Deventer, Kluwer, 1993.

³ Stones M. Justice Manual. London, 1994 .

жиноятларни очиш ва айбдорларни фош этиш соҳасида давлатнинг олий лавозимдаги шахси ҳисобланган Бош атторней раҳбарлиги остида ошкора таъқиб қилиш директори департаменти олиб боради. Унинг кўрсатмалари судга қадар иш юритувни олиб борадиган барча шахслар ва органлар учун мажбурий ҳисобланади. Судга қадар иш юритувини амалга оширувчи органларни ислоҳ қилиш натижасида 1986 йилда Бош атторней раҳбарлик қиладиган Давлат айблов хизмати ташкил этилган¹.

Судга қадар иш юритуви босқичида бир қатор процессуал мажбурлов чоралари, хусусан тинтув ва қамоққа олиш чораларини қўллашга йўл қўйилади. Бу ҳаракатлар суднинг санкциясиз ва ҳатто жиноят аломатлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни текширмасдан туриб ҳам амалга оширилиши мумкин. Хусусий-даъволи айблов докторинасига мувофиқ ҳибсга олиш ҳуқуқи нафақат мансабдор шахсларга, балки агар шахснинг ҳибсга олинишига сабаб бўладиган асос мавжуд бўлса, жисмоний шахсларга ҳам берилади. Англия жиноят процессида жиноят содир этган шахсни жиноий таъқиб қилишнинг икки тартиби назарда тутилган: 1) давлатга қарши ва бошқа оғир жиноятлар бўйича айблов ҳужжатлари билан иш юритиш; 2) ижтимоий хавфи кам бўлган жиноятлар бўйича умумий иш юритиш².

Айблов ҳужжатлари бўйича жиноий таъқиб қилиш умумий қоидаларга кўра, полиция детективи ёки жиноятдан жабр кўрган шахс, ёхуд жабрланувчининг адвокати айбловчи тариқасида иш кўришидан бошланади. Айбловчи далилларни тўплайди, кейин уларни магистрат судига ёзма ариза (маълумотлар) билан

¹ Ashworth A. J. Sentencing and Criminal Justice. London, 1992.

² Dupont L. , Fijnaut C. (eds) Criminal Law. International Encyclopedia of Law. Deventer, Kluwer, 1993.

тақдим этади. Қасамёд билан тасдиқланган маълумотлар асосида судга келиш тўғрисидаги чақирув қоғози ёки ҳибсга олиш тўғрисида буйруқ берилади.

Жиноятлар юзасидан судга қадар иш юритув айбланувчининг танлови асосида, полиция суриштируви шаклида ва суддаги дастлабки иш юритиш (терговнинг суддан ташқари ва суд шакли) тартибида ўтказилади. Айрим унчалик оғир бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишларни суд айблов ҳужжати бўйича ҳам, умумий тартибда жабрланувчининг танлови бўйича ҳам тергов қилиш мумкин бўлган ҳолларда муқобил равишдаги суд идорасида кўриб чиқишга йўл қўйилади.

Америка Қўшма Штатларида жиноят-процессуал ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланишига инглиз-саксон ҳуқуқи қоидалари ҳал этувчи таъсир кўрсатганлигини қайд этиш шарт. АҚШ жиноят процессининг ўзига хослиги, энг аввало, мамлакатнинг федератив тузилиши билан шартланган. Шунинг учун ҳар бир штатда федерал қонунлар билан биргаликда, хусусий жиноят-процессуал қонунчилиги мавжуд¹. Федерал жиноят-процессуал ҳуқуқи АҚШ Конституциясига; Конгресс ҳужжатларга; Федерал судлар учун жиноят процессининг федерал қоидаларига; АҚШ Олий Суди, Федерал судлар, Федерал ижроия ҳокимиятлари чиқарган бошқа қоидаларга, ҳамда АҚШ Олий суди ўрнатган жиноий судлов ишларининг қоидалари ва суд прецедентлари асосланади². АҚШда жиноят судлов иш юритишда жиноий таъқиб қилинадиган қилмишларнинг икки тури назарда тутилган: 1) унга асосан айблов ҳужжати тузилиши ёки маълумот тақдим этилиши лозим бўлган ишларни юритиш; 2) умумий иш юритиш. Улардан биринчиси

¹ Қаранг.: Гуценко К.Ф. Основы уголовного процесса США: Учебное пособие. М.: МГУ, 1993.

² Николайчик В. М. Уголовный процесс США. М., 2012. – С. 14-17.

хавфли жиноятлар (*felony*) бўйича ишларда қўлланилади; иккинчиси, кам аҳамиятли бўлган жиноятлар (*misdemeanor*).

Судга қадар иш юритувни АҚШда элликка яқин органлар ва мансабдор шахслар амалга ошириб, мамлакатда у ёки бу даражада жиноятларни очиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган 20 мингга яқин турли хизматлар фаолияти олиб боради¹. Уларнинг ичида полиция ва атторнейлар муҳим ўринни эгаллайди ва таъкидлаш жоизки, полиция офицерлари АҚШдаги жиноят ишларининг аксарияти бўйича судга қадар иш юритувни амалга оширади.

АҚШда полиция органлари ягона марказлашган тизимни ташкил этмайди. АҚШнинг полиция органлари тизими федерал, штатлар, графликлар, шаҳарлар ва шаҳарчалар, корпорация ва фирмалар (хусусий) полиция хизматларидан иборат бўлиб, ғарб давлатларидаги марказлашмаган полиция тизимларидан бири ҳисобланади. У фаолиятини ташкил қилиниши нуқтаи назаридан ўта мураккаблиги билан ажралиб туради. Хусусан, штат полицияси штат қонунчилигида назарда тутилган жиноятлар юзасидан судга қадар материалларни тўплайди (масалан, ўғирлик, товламачилик, ҳаракат хавфсизлигини бузиш), маҳаллий полиция (шаҳар полицияси, шерифлар (*sheriff's department*) ва бошқалар) кам аҳамиятли бўлган жиноятлар бўйича тегишли материалларни тўплаш билан шуғулланади. АҚШ тергов фаолиятининг яна бир қизиқарли томони шундаки, шериф маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан танланиб сайланади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

Шу билан бирга айбланувчи аниқланмаган ёки у ўз айбига иқрор бўлмаган ҳолатларда жиноятни очиш

¹ Spencer J. R. Jacksons Machinery of Justice. Birmingham, 2001.

мажбурияти полиция зиммасига юклатилади. Шу билан бирга ҳар бир полиция органи ҳузурида судга қадар иш юритувни амалга оширадиган, тергов ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширадиган детективлар хизмат қилади. Айтиш жоизки полиция детективи фақат ўз штати ёки округи доирасида содир этилган жиноят бўйича судга қадар иш юритувни амалга ошириши мумкин. Ҳар қандай полиция маҳкамасида жиноят юзасидан амалга оширилаётган судга қадар иш юритуви устидан контроль шу полиция органининг бошлиғи (*chief of police*) томонидан амалга оширилади.

Судга қадар иш юритуви полиция органларидан ташқари, Федерал тергов бюроси¹ (Federal Bureau of Investigation), Ички хавфсизлик вазирлиғи (Department of Homeland Security)², Адлия Вазирлиғи³; Божхона ва иммиграция қонунларини ижро қилиш бюроси⁴, Молия вазирлиғи (United States Department of the Treasury)⁵ таркибига кирувчи Ички даромадлар хизмати (Internal Revenue Service)⁶; Почта хизмати⁷ (United States Postal Service) ва бошқалар муҳим ўрин тутаяди. Бу органлар идоравий ваколатлари доирасида федерал қонунларда назарда тутилган жиноятларни тергов қиладилар. Бу қолидадан истисно ФТБга тегишли бўлиб, унга икки юздан ортиқ турли жиноятни тергов қилиш ваколати берилган. Агарда содир этилган жиноят давлат манфаатларига путур етказадиган, оғир, ўта оғир ёки федерал қонунлар билан назарда тутилган қонунларда назарда тутилган жиноят содир этилган бўлса, у ҳолда жиноят юзасидан иш юритув Федерал Тергов бюроси

¹ <http://www.fbi.gov/>

² <http://www.dhs.gov/index.shtml>

³ <http://www.justice.gov>

⁴ Bureau of Immigration and Customs Enforcement

⁵ <http://www.fincen.gov/>

⁶ <http://www.treasury.gov/Pages/default.aspx>

⁷ <http://www.dhs.gov/>; <http://postalinspectors.uspis.gov/>

(ФТБ) агентлари томонидан амалга оширилади. Қайд этиш жоизки ФТБ АҚШнинг федерал қонунларини бузиш билан боғлиқ бўлган жинойтларни тергов қилиш вазиқаси юклатилган асосий давлат ташкилотидир. ФТБнинг агентлари томонидан амалга ошириладиган тергов бизнинг тушунчамиздаги дастлабки терговдан анча фарқланади, зеро ФТБ агентлари ҳам тезкор-қидирув, ҳам тергов ҳаракатларини амалга оширади. ФТБнинг терговига тегишлилиги ҳақида фикр юритадиган бўлсак, унга коррупция билан боғлиқ жинойтлар, фирма ва корпорацияларнинг раҳбарлари томонидан содир этилган жинойтлар, мудофаа саонатидида содир этилган фирибгарликлар, ҳукумат дастурлари доирасида содир этилган суиистеъмолликлар, порахўрлик ва товламачилик жинойтлари киритилади. ФТБнинг агентлари фаолияти устидан идоравий ва процессуал контроль ФТБнинг директори ва унинг тергов масалалари бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган органлар мансабдор шахс билан биргалиқда, судгача бўлган тергов ишларини юритиш махсус тергов комиссиялари (доимий ёки вақтинчалик), ҳукумат органлари ва коронерлар (номуста тегиш ёхуд бевақт ўлим тўғрисидаги ишларни юритувчи терговчилар) томонидан ҳам амалга оширилади. Полициянинг ёки атторнейнинг тергов қилишдаги объективлиги шубҳа уйғотган ҳолларда, дастлабки терговни амалга ошириш учун қасамёд қилганлар суднинг катта жюри (ҳайъати) тузилиши мумкин. Катта жюри таркибига ўн иккитадан йигирма учтагача қасамёд қилганлар (инглизча *juror* – присяжный) киритилади ва улар ишни судга ўтказиш учун айбловда етарли далиллар мавжудлигини текширадилар, айрим ҳолларда катта жюри тергов органи сифатида ҳам ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга.

Полиция, ФТБ, молия органлари, иммиграция хизмати ёки бошқа органлар томонидан амалга оширилган судга қадар иш юритуви ёки терговнинг материаллари федерал атторней (прокурор) хизматига юборилади. АҚШда уч даражадаги Атторнейлар хизмати (прокуратура) амал қилади: 1) Федерал Атторней хизмати; 2) штатлар Атторней хизмати; 3) маҳаллий Атторней хизмати (округлар ва қўйи даражаларда). АҚШда жинойтлар бўйича судга қадар иш юритувида ва терговда прокуратура муҳим ўрин тутди.

“Атторней хизмати” фақат АҚШда мавжуд бўлиб, бу орган прокуратуранинг вазифасини бажаради. Атторней хизмати АҚШнинг мустақил давлатчилик тажрибаларидан келиб чиқиб ҳамда штатларнинг ўз ҳудудий манфаатларини муҳофазасини таъминлаш заруриятидан келиб чиқиб ташкил этилган. Шунинг учун ҳам атторней хизмати мустақил ва бир-бирига мутлақо бўйсунмайди. муайян ишлар бўйича қарор қабул қилишда федерал округ атторнейлари Адлия департаменти (вазирлиги)га раҳбарлик қилувчи АҚШ Бош атторнейидан ҳам тўла мустақилдирлар. Моҳиятан, барча даражадаги атторнейлар жинойий таъқибни қўзғатишда ва айбланувчини судга бериш масаласини ҳал қилишда ҳал қилувчи ўринга эгалар. АҚШ қонунларига кўра, атторней хизмати давлат номидан жинойт иши қўзғатади, қонунбузарликни тергов қилади, судда айбловни қувватлайди.

Дастлабки тергов босқичи далиллар етарли бўлган ҳолларда, айблов ҳужжатини тузиш ёки “маълумот” деб аталадиган процессуал ҳужжат тузилиши ва ишни судга юборилиши билан якунланади.

Шундай қилиб, инглиз-саксон оиласи давлатларидан Англия ва АҚШда судга қадар иш юритуви органларининг фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга оширишнинг тажрибасини ўрганиш

натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Англияда жиноят аниқланган ҳолатларда судга қадар иш юритувининг материалларини тайёрлашни аксарият ҳолларда полиция амалга оширади. Полиция ходимлари орасида жиноятларни очиш ва ҳужжатлаштиришга ихтисослашган ходимлар – детектив ва инспекторлар фаолият юритади. Полиция органига жиноят ҳақида хабар келиб тушгандан сўнг уни текшириш чора-тадбирлари амалга оширилади, лекин бизнинг тушунчамиздаги жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги ҳужжат чиқарилмайди. Англияда жиноий таъқиб институти ўрнатилган бўлиб, у жиноят содир этишда гумон қилинаётган аниқ шахс ушланган вақтдан ёки унинг ҳуқуқларини чекловчи муайян (тинтув, телефон сўзлашувларини эшитиш) чоралари амалга оширилган пайтдан бошланган деб ҳисобланади. Айнан шу чоралардан бирортаси қўлланилгандан бошлаб давлат шахсининг ҳуқуқларини чекланганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2. Қироллик жиноий таъқиб хизмати полиция томонидан жиноий таъқибни амалга ошириш устидан контролни амалга оширади. Айнан Қироллик жиноий таъқиб хизматида шахсга нисбатан аниқ айблов шакллантирилади ва иш судга юборилгандан сўнг нинг ходими судда айбловни қўллаб қувватлайди ва давлат айбловчисининг вазифаларини бажаради.

3. Атторней Қироллик жиноий таъқиб хизмати устидан бошқарувни ва контролни амалга оширувчи олий мансабдор шахс ҳисобланади ва улар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар чиқаради, ҳамда судга қадар иш юритуви ва судда ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ваколатларни амалга оширади.

4. АҚШда жиноят судлов иш юритувида жиноий

таъқиб қилинадиган қилмишларнинг икки тури назарда тутилган: 1) унга асосан айблов ҳужжати тузилиши ёки маълумот тақдим этилиши лозим бўлган ишларни юритиш; 2) умумий иш юритиш. Улардан биринчиси хавфли жиноятлар (*felony*) бўйича ишларда қўлланилади; иккинчиси, кам аҳамиятли бўлган жиноятлар (*misdemeanor*).

5. Полиция офицерлари АҚШдаги жиноят ишларининг аксарияти бўйича судга қадар иш юритувни амалга оширади. Судга қадар иш юритуви полиция органларидан ташқари, Федерал тергов бюроси (Federal Bureau of Investigation), Ички хавфсизлик вазирлиги (Department of Homeland Security), Адлия Вазирлиги; Божхона ва иммиграция қонунларини ижро қилиш бюроси, Молия вазирлиги (United States Department of the Treasury) таркибига кирувчи Ички даромадлар хизмати (Internal Revenue Service), Почта хизмати (United States Postal Service) ва бошқалар муҳим ўрин тутди.

6. Юқорида кўрсатилган органлар мансабдор шахс билан биргаликда, судгача бўлган тергов ишларини юритиш махсус тергов комиссиялари (доимий ёки вақтинчалик), ҳукумат органлари ва коронерлар (номусга тегиш ёхуд бевақт ўлим тўғрисидаги ишларни юритувчи терговчилар) томонидан ҳам амалга оширилади. Полициянинг ёки атторнейнинг тергов қилишдаги объективлиги шубҳа уйғотган ҳолларда, дастлабки терговни амалга ошириш учун қасамёд қилганлар судининг катта жюриси (ҳайъати) тузилиши мумкин.